

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

VOLUME II | ISSUE 3 | MARCH | 2024

ISSN: 2181-4031



Available online at www.imfaktor.com

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-СОҢ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ- II, НОМЕР-3

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3

ТОШКЕНТ – 2024

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2024-3>

Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

1. Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
2. Ходжаметова Гулчира Илишевна – тарих фанлари номзоди, профессор
3. Ҳайдаров Ўрал Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
4. Мусаев Джамалиддин Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
5. Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б
6. Узакова Зарина Фуркатовна – социология ф.б.ф.д (PhD), доцент
7. Мамадияров Дилшод Уралович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
8. Тўраев Шавкат Нишонович – фалсафа фанлари номзоди, доцент
9. Бердиева Гулмира Аминовна – тарих фанлари номзоди
10. Гаипов Жасур Бахром ўғли – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)
11. Сохибова Лола Жонибоевна – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
12. Шарипов Дилшод Бахшиллоевич – сиёсатшунос, эксперт
13. Содиржонов Мухриддин
Махамадаминович – социология ф.б.ф.д (PhD)
14. Саттаров Дилшод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент
15. Турақулов Акмалжон Анварович – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
16. Каримов Бозарқул Худдайбердиевич – фалсафа фанлари номзоди

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2024 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

КУЧКАРОВ Турғун Рахимбаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10888958>

МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИНИНГ МУҚОБИЛ ЖАЗО ТУРИ СИФАТИДАГИ МОҲИЯТИ ВА ЮРИДИК АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф илмий изланиши орқали Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмида санкциянинг фақатгина муқобил ҳамда нисбий муайян шакллари белгиланганлиги, шунга кўра содир этилган жиноят учун аниқ жазо тури ва миқдорини тайинлаш, ўз навбатида муқобил жазолар орасидан энг муносибини, кейинги навбатда мазкур жазо турининг аниқ миқдорини белгилашни талаб этишини таҳлил қилган. Таҳлил қилинган омил эса, мураккаб жараён бўлиб, буни амалга оширишнинг алгоритми ёки аниқ механизми мавжуд эмаслигини асослаб берган.

Калит сўзлар: жиноят-ҳуқуқий назария, жиноят, жиноят қонунчилиги, жиноят учун жазо, мажбурий жамоат ишлари, озодликдан маҳрум этиш, муқобил жазолар, жазонинг дискрецияси, санкция.

СУЩНОСТЬ И ЮРИДИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ ОБЩЕСТВЕННЫХ РАБОТ КАК АЛЬТЕРНАТИВНОГО ВИДА НАКАЗАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье путем научных исследований автор утверждает, что в особенной части УК Республики Узбекистан определены только альтернативные и относительно конкретные виды санкций, в соответствии с этим определяются точный вид и размер наказания за совершение преступления. Совершенное преступление, в свою очередь, является наиболее подходящим среди альтернативных наказаний, после чего требуется определить точную сумму этого вида наказания. Проанализированы результаты. Анализируемый фактор представляет собой сложный процесс, что оправдывает отсутствие алгоритма или четкого механизма его реализации.

Ключевые слова: теория уголовного права, преступление, уголовное право, наказание за преступление, обязательные общественные работы, лишение свободы, альтернативные наказания, усмотрение приговора, санкция.

THE NATURE AND LEGAL SIGNIFICANCE OF COMPULSORY COMMUNITY SERVICE AS AN ALTERNATIVE FORM OF PUNISHMENT

ANNOTATION

In the article, through scientific research, the author claims that in the special part of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, only alternative and relative specific forms of sanctions are defined, according to this, the exact type and amount of punishment for the crime committed, in turn, the most suitable among the alternative punishments, and then the exact amount of this type of punishment are required to be determined. analyzed the results. The analyzed factor is a complex process, which justified the absence of an algorithm or a clear mechanism for its implementation.

Key words: criminal legal theory, crime, criminal law, punishment for crime, mandatory community service, imprisonment, alternative punishments, sentencing discretion, sanction.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмида санкциянинг фақатгина муқобил ҳамда нисбий-муайян шакллари белгиланган. Шунга кўра содир этилган жиноят учун аниқ жазо тури ва миқдорини тайинлаш, ўз навбатида муқобил жазолар орасидан энг муносибини, кейинги навбатда мазкур жазо турининг аниқ миқдорини белгилашни талаб этади. Бу эса, мураккаб жараён бўлиб, буни амалга оширишнинг алгоритми ёки аниқ механизми мавжуд эмас.

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Маълумки, қонунчиликда жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид моддалар бор. Лекин улар терговчи ёки судьянинг ихтиёрига, яъни, инсон омилига тўлиқ боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак. Акс ҳолда биз учун муқаддас бўлган адолат мезони бузилади»[1, Б.7].

Бу борада ҳуқуқшунос олим В.Н.Кудрявцев санкцияларнинг оптимал чегараларини идрок қилишдан бошқа йўл орқали аниқлаб бўлмаслигини эътироф этади [2, Б.95]. И.С.Ной эса, аниқ жиноят учун аниқ жазо тайинлашни мантиқан асослаш умуман мумкин эмаслигини таъкидлайди [3, Б.61].

Содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда нафақат жиноятнинг ташқи белгилари, балки уни содир этган шахсга оид белгилар ҳам инobatга олиниши лозим. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сон қарорида жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган [4, Б.5].

Шунга кўра таъкидлаш жоизки, жиноят учун аниқ жазо тури ва миқдорини белгилаш субъектив жараён бўлиб, унинг жиноят қонунчилиги принципларига мувофиқлиги судьяларнинг ҳуқуқий онгига боғлиқдир. Бу каби мураккаб жараённи ҳал этишда қонунда (санкцияда) муқобил жазоларнинг кўпроқ белгиланганлиги, шунингдек, нисбий-муайян санкцияларнинг аниқ қонунчилик тизимига кўра ўрнатилганлиги судьянинг қонун принципларига асосланган аниқ жазо тайинлашида жуда муҳим рол ўйнайди, деб ҳисоблаймиз.

Профессор М.Х.Рустамбоев, жинoий жазони либераллаштириш жараёнида Жиноят кодексининг махсус қисмидаги моддаларга муқобил санкцияларни кўпайтириш, шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда тузалишига рағбатлантирувчи нормаларни киритиш мақсадга мувофиқлигини қайд этади [5, Б.156].

Д.Н.Садчикова ва М.В.Васильевалар эса, озодликдан маҳрум қилишга “муқобил”ининг кенг қўлланилиши авваламбор, маҳқумни “қамoқ аҳолиси” билан алоқа ўрнатиши ва жинoий ҳулқ-атворнинг янги билимларини эгаллаши имкониятларидан маҳрум қилиш заурати билан асосланишини баён этади [6, Б.3].

Мазкур масала аксарият ҳуқуқшунослар томонидан кўп бора таъкидланиб келинаётган бўлсада, уни қандай тартибда амалга ошириш лозимлиги бўйича аниқ ечимлар берилмаган. Фикримизча, мукамал жазо тури ёки унинг меъёрини ёхуд энг муносиб санкцияни яратишнинг имкони мавжуд бўлмаса-да, уларни аниқ бир манتيқий ва ҳуқуқий қонуниятларга асосланган механизм доирасида тизимлаштириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда. Жиноят-ҳуқуқий санкциялар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, унда муқобил жазоларни белгилаш ёки уларнинг миқдорларини ўзаро мутаносиблаштириш аниқ бир қонуниятларга асосланмаган. Бу эса ўз навбатида оптимал санкция яратишга, пировардида қонуннинг принципларига асосланган жазо тайинлашда салбий таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқшунос В. Стерн муқобил жазоларни таҳлил этар экан, халқ ва суд тизими вакиллари орасида энг муқобил чора жамоат ишлари эканлигини билдиради [7, Б.10].

Аммо, алоҳида битта жазо тури (масалан, мажбурий жамоат ишлари)нинг меъёрлари аниқ бир санкцияда назарда тутилган бошқа жазоларининг меъёрларига нисбатан номувофик жойлашган бўлса, бу нафақат ўша санкциянинг балки унда белгиланган ҳар бир жазо турининг самарадорлик даражасига жиддий таъсир кўрсатиши, хусусан фуқаролар ўртасида тушунмовчиликларнинг келиб чиқиши, жазо тайинлашда турли суиистемолчиликлар содир этилишига замин яратувчи нормага айланиб қолиши мумкинлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Шунга кўра, мажбурий жамоат ишлари жазосининг самарадорлиги таҳлил этилганида, унинг бошқа муқобил жазо турларига нисбатан ўзаро муносабатини ҳам ўрганишни талаб этади. Чунки мукамал санкция яратиш жараёнида, ушбу санкцияда назарда тутилган жазолар меъёрининг аниқ тизимлаштирилган қоидаларга асосланганлиги муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмида жами 570 та жиноят таркиби ва шунга мувофиқ равишда норманинг санкциялари белгиланган. Жумладан жиноят-ҳуқуқий санкцияларнинг 10 тасини 6 та муқобил жазолар ташкил этса, 58 та санкцияни 5 та муқобил жазолар, 79 та санкцияни 4 та муқобил жазолар, 143 та санкцияни 3 та муқобил жазолар, 97 та санкцияни 2 та муқобил жазолар ҳамда муқобил жазоларсиз белгиланган санкциялар 183 тани ташкил этади. Кўрииб турибдики, жиноят-ҳуқуқий санкцияларда энг кўп кўрсаткич муқобил жазоларсиз белгиланган санкцияларни ташкил этмоқда [8].

Бу эса, судлар жиноят учун жазони индивидуаллаштиришда айрим музокарали ҳолатларни келтириб чиқариши билан ҳам шартланади.

Е.А. Раутская “Оптимал санкцияларни ишлаб чиқишда, фақатгина оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар учун ягона жазо назарда тутилган ва бошқа турдаги (ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган) жиноятлар учун икки ёки учта жазони назарда тутувчи санкцияларни жорий этиш лозимлиги” [9, Б.60] таъкидланади.

Мазкур билдирилган фикрлар бироз мунозарали. Чунки, ушбу фикрнинг ўзини қонунчиликда жорий этиш билан оптимал санкцияни яратиш имкони мавжуд эмас, шунингдек, санкциясида икки ёки учта жазо мавжуд санкцияларнинг ўзини эса оптимал деб ҳам бўлмайди. Зеро, юридик адабиётларда жиноят-ҳуқуқий санкцияларни оптималлаштиришда санкцияларнинг юқори ва қуйи чегаралари (санкциянинг дискрецияси)га аҳамият берилиши лозимлиги қайд этилган [10, Б.710].

Ушбу масала юзасидан кўпчилик олимлар томонидан турли хил қарашлар илгари сурилган бўлса-да, бироқ бу борада аниқ бир ечим ишлаб чиқилмаганлиги, мазкур масаланинг долзарблигини кўрсатади, улар янги ғоялар ва қарашларни юзага келишига ундайди. Жумладан, И.И.Карпец санкциянинг чегаралари 3 йилдан, Н.И.Коржанский уни 5 йилдан ошмаслиги бўйича ўзларининг фикрларини илгари суришган. С.И.Дементьев эса, бунда жиноятнинг таснифига қаралиши лозимлигини, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар учун 5 йил ва ундан енгил турдаги жиноятлар учун 3 йилдан ошмаслиги лозимлигини таъкидлайди [11].

Бу борада олимлар ўз ғояларини баён қилар экан, асосий эътибор озодликдан маҳрум қилиш жазосига қаратилади ва бошқа жазо турлари, хусусан жазо меъёрлари «соат бирлиги»да ўрнатилган мажбурий жамоат ишлари жазосининг дискрецияси тўғрисида умуман фикр билдирилмайди. Шу билан бирга амалдаги қонунчилигимиз бўйича мажбурий жамоат ишлари жазосининг дискрецияси таҳлил этилганида ҳам унинг ягона қонуниятларга асосланмаганлигини кузатишимиз мумкин.

Шу сабабли мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг дискрециясини ишлаб чиқишда қонунда назарда тутилган бошқа туташ ва турдош қоидаларни инобатга олиш зарур деб ҳисоблаймиз. Масалан, ЖКнинг 57¹-моддасида шахсга тайинланган жазо миқдори Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан, ЖК 58-моддасида назарда тутилган қоидага кўра эса тўртдан уч қисмидан ошмаслиги лозимлиги белгиланган. Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазоларнинг Жиноят кодексида белгиланган миқдорларига эътибор қаратадиган бўлсак, айрим нормаларда унинг энг кам миқдорлари кўрсатилмаганлиги кузатилади, лекин айрим нормаларда уларнинг энг кўп ва энг кам муддатлари ўртасида аниқ муносиблик кузатилмайди.

Жиноят-ҳуқуқий санкцияда мажбурий жамоат ишларининг миқдори 240-300 соат атрофида белгиланган бўлса, ЖК 57¹-моддаси қўлланилганида тайинланган жазонинг энг кўп миқдори 200 соатдан, ЖК 58-моддаси қўлланилганида эса 225 соатдан ошмаслиги ёхуд унинг муддатлари санкцияда 300-360 соат қилиб белгиланганда, юқоридаги моддаларга асосан жазо тайинланганда 240 ва 270 соатлардан кўп бўлмаслиги лозим. Бундай ҳолатда жиноят-ҳуқуқий санкция ва жазо тайинлаш қоидалари ўртасида номувофиклик кузатилади. Ҳуқуқшунослар [12, Б.325] бу каби нормалар ўртасидаги номувофикликни қонунчиликда ечимини топиш зарурлигини баён этишса-да, бироқ аниқ бир таклифни илгари суришмаган.

Шунга кўра ҳар бир жазо турини, хусусан мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг дискрециясини белгилаш мақсадида ва айрим ҳолатларда енгилроқ турдаги жазо тайинланиши мумкинлигига оид қоидаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

1. Қонун чиқарувчи томонидан жиноят-ҳуқуқий санкциядаги аниқ жазонинг энг кам ва энг кўп муддатлари белгиланишида, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган жазонинг энг кам муддати ўша моддада (модданинг қисмида) назарда тутилган шу турдаги жазонинг энг кўп миқдори ёки муддатининг камида учдан икки қисмидан кўп бўлмаслиги шарт.

2. Қонун чиқарувчи томонидан жиноят-ҳуқуқий санкциядаги аниқ жазонинг энг кўп муддатлари белгиланишида, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган жазонинг энг кўп муддатининг учдан икки қисми Жиноят кодексида ушбу жазо тури тайинланиши мумкин бўлган жазонинг энг кам муддатидан кам бўлмаслиги шарт.

Мазкур қоидаларнинг қонунчилик ижодкорлиги фаолиятида жорий этилиши жиноят-ҳуқуқий нормалар ўртасидаги номувофикликлар ҳамда коллизияларнинг бартараф этилишига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо ЖКнинг 175 та жиноят-ҳуқуқий санкциясида кўрсатилган бўлиб, у жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш (асосий жазо тариқасида), ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан муқобил жазо сифатида белгиланган. Аммо, жиноят-ҳуқуқий санкциялар таҳлил этилганда мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг имкониятларидан кенг фойдаланилмаганлиги, яъни унга муқобил бўлган жазолар мавжуд бўлган санкцияларда мажбурий жамоат ишларининг мавжуд эмаслиги, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг меъёри ва дискрецияси унга муқобил бўлган жазо турининг меъёрига ҳамда дискрециясига номувофик белгиланганлиги каби қатор муаммолар мавжудлиги кузатилди.

Мажбурий жамоат ишларининг жарима жазоси билан муқобиллиги. Жарима жазо тизимида кўрсатилган жазо чораларининг энг энгили ҳисобланади. Унинг қўлланилиши қонун чиқарувчи ва суд амалиёти томонидан жазо мақсадига эришишнинг энг самарали усулларидан биридир. Жарима жазоси жиноят қонунчилигининг 264 та моддасида белгиланган бўлиб, шундан 156 та санкцияда мажбурий жамоат ишлари тарикасидаги жазо билан муқобил жазо сифатида белгиланган. Жиноят кодексининг 3 та санкцияси (111-модда 3-қисми, 177-модда 2-қисми ва 190-модда 2-қисми)да фақатгина жарима ва мажбурий жамоат ишлари тарикасидаги жазолар белгиланган, қолган санкцияларда улар бошқа жазо турлари билан ҳам муқобил жазо сифатида кўрсатилган.

Шунингдек, мажбурий жамоат ишлари жазосининг (Жиноят кодекси санкцияларида кўрсатилган энг кам вақт) 240 соатгача бўлган муддати ЖК 109-моддасининг 1-қисмида энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваригача жарима жазоси билан муқобил сифатида кўрсатилган бўлса, худди шу муддатдаги мажбурий жамоат ишлари ЖК 140-моддасининг 1-қисмида энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача жарима жазо билан муқобил сифатида кўрсатилган. 360 соатдан 480 соатгача бўлган мажбурий жамоат ишлари ЖКнинг 124-моддаси биринчи қисмида энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваридан 50 бараваригача жарима жазоси билан муқобил сифатида кўрсатилган бўлса, худди шу муддатдаги мажбурий жамоат ишлари ЖК 1851-модда 3-қисми, 188-модда 1-қисми, 1926-модда 2-қисмида энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваридан 600 бараваригача жарима жазоси билан муқобил тарзда кўрсатилган. Жиноят-ҳуқуқий санкциялар таҳлили шуни кўрсатадики, санкцияларни ишлаб чиқишда мазкур жазо турларининг ўзаро муқобиллиги меъёр жиҳатидан аниқ ўрнатилмаган.

Мажбурий жамоат ишларининг муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси билан муқобиллиги. Мажбурий жамоат ишлари ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазолари ўз мазмуни, тайинлаш асослари ва ижро этиш тартибига кўра бир-биридан фарқ қилсада, айрим жиноят-ҳуқуқий санкцияларда улар муқобил жазо тури сифатида белгиланган. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо Жиноят кодексининг 48 та жиноят-ҳуқуқий санкциясида белгиланган бўлиб, мажбурий жамоат ишлари тарикасидаги жазо билан 34 та жиноят-ҳуқуқий санкцияда муқобил жазо тури сифатида назарда тутилган. Жиноят-ҳуқуқий санкцияда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш назарда тутилган ва мажбурий жамоат ишлари тарикасидаги жазо белгиланмаган нормаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур 14 та жиноят-ҳуқуқий нормаларда жиноят субъекти сифатида қандайдир фаолият билан шуғулланувчи ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг ходими, мансабдор шахслар эканлигини кузатишимиз мумкин. Мазкур жиноятлар учун мажбурий жамоат ишлари тарикасидаги жазони тайинлаш ушбу жазони ижро этиш шартларига нисбатан номувофикликни ҳам келтириб чиқаради.

Хусусан, ЖК 451-моддасининг 1-қисмидаги қоидага мувофиқ мажбурий жамоат ишлари маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталиши белгиланган. Бу эса ушбу шахслар ўз хизмат ёки меҳнат фаолиятида қандайдир камчиликларга йўл қўйган бўлса, уни асосий ишидан бўш вақтларида жамоатчилик ишларига қўшимча жалб этиш маҳкумга қўшимча қийинчиликлар туғдиради.

Мажбурий жамоат ишларининг ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан муқобиллиги. Кўпчилик ҳуқуқшунослар ва амалиёт органларининг ходимлари мажбурий жамоат ишлари тарикасидаги жазони ахлоқ тузатиш ишлари тарикасидаги жазо билан муқобил жазо тури деб ҳисоблашади. Бу эса мазкур жазо турларининг хусусияти, тайинланиш асослари ва тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар доираси билан ҳам шартланади. Юридик адабиётда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига нисбатан мажбурий ишлар жазоси маҳкумнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кам миқдорда чеклаши билан фарқланиши назарда тутилган [13, Б.264], бошқа бир адабиётда ахлоқ тузатиш ишлари мулкый хусусиятга эга жазо ҳисобланса, мажбурий ишлар тарикасидаги жазо мулкый хусусиятдаги жазо ҳисобланмаслиги таъкидланган [14].

Шунингдек, мазкур жазоларнинг ўхшашлиги ва уларнинг фарқлари таҳлил этилганида ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм этилган шахснинг таътилга чиқиш ҳуқуқи сақланиб қолиши белгиланганлиги ва мажбурий ишлар тариқасидаги жазога ҳукм этилганларнинг бу ҳуқуқлари мавжуд бўлмаслиги ҳам таъкидланади [15]. Аммо мазкур жазолар бошқа турдош жазолар сингари ўхшаш бўлиб, уларнинг умумий белгиси маҳкумни меҳнатга жалб этишда намоён бўлади.

Мажбурий жамоат ишларининг озодликни чеклаш жазоси билан муқобиллиги. Озодликни чеклаш жазоси Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигининг 248 та моддасининг жиноят-ҳуқуқий санкциясида белгиланган бўлиб, шундан 86 та санкцияда мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо билан муқобил жазо сифатида белгиланган. Шунингдек, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо назарда тутилган 86 та жиноят-ҳуқуқий санкцияда озодликни чеклаш жазоси ҳамда озодликни чеклаш тариқасидаги жазо назарда тутилган 159 та жиноят-ҳуқуқий санкцияда мажбурий жамоат ишлари жазоси назарда тутилмаганлигини кузатишимиз мумкин.

Мажбурий жамоат ишларининг озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан муқобиллиги. Ҳуқуқ назариясида ҳар қандай жазо тури озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил сифатида кўрсатиш ҳолатлари кўп учрайди. Жумладан А.С.Горбачева ва Н.А.Добрикова таъкидлашича, мажбурий ишлар озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил эканлигини, шунга кўра мажбурий ишлар жазоси қўлланилиши амалиётининг кўпайиши озодликдан маҳрум қилиш орқали судланганлар сонининг камайишини билдиради [15].

Гарчи ушбу ҳуқуқшунослар мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг қўлланилиши ҳақиқатдан ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазосининг камроқ қўлланилишига сабаб бўлишига қўшилсақда, бу жазоларни мутлоқ муқобил жазолар сифатида кўриш ноўриндир. Чунки, озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигининг 471 та (82,6 %) моддасининг жиноят-ҳуқуқий санкциясида белгиланган бўлиб, шундан 92 та санкцияда мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо билан муқобил жазо сифатида белгиланган. Шунингдек, жиноят-ҳуқуқий санкциялар таҳлили шуни кўрсатадики, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазолар фақатгина ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учунгина белгиланган. Оғир ва ўта оғир жиноятлар учун белгиланган санкцияларда мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо бошқа жазоларга муқобил тарзда назарда тутилмаган. Шунингдек, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазо назарда тутилган 83 та жиноят-ҳуқуқий санкцияда озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаганлигини кузатишимиз мумкин.

Мухтасар қилганда, биз таҳлил қилган мажбурий жамоат ишлари жазосининг бошқа жазолар билан муқобил шаклда намоён бўлиши ва унинг ўрнида қўлланилишига оид мулоҳазаларимиз келгусида олий ўқув юрти курсант ва талабалари, илмий изланувчилар ва суд-тергов ходимлари учун манфаатли бўлади деган умиддамиз.

REFERENCES. ИҚИБОСЛАР. СНОСКИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-12-2018>
2. Кудрявцев В.Н. Основания уголовно-правового запрета. – М., 1982. – С. 249; Он же. Криминализация: оптимальные модели // Уголовное право в борьбе с преступностью. – М., 1981. – С. 95.
3. Ной И.С. Сущность и функции уголовного наказания в советском журнале. – Саратов, 1973. – С. 61-62.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сон қарори / <https://lex.uz/docs/1455976>.
5. Рустамбоев М.Х. Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм/ Тошкент. Yuridik adabiyotlar publish. Тошкент. 2021 й. 1-жилд Б.156.
6. Садчикова Д.Н., Васильева М.В. Перспективы совершенствования наказания в виде обязательных работ в свете современных тенденций уголовно-правовой политики Российской Федерации / <https://cyberleninka.ru/article/n/perspektivy-sovershenstvovaniya-nakazaniya-v-vide-obyazatelnyh-rabot-v-svete-sovremennyh-tendentsiy-ugolovno-pravovoy-politiki>
7. Стерн В. Разработка мер, альтернативных тюремному заключению в странах Центральной и Восточной Европы, и Средней Азии. – Будапешт, 2002. – С. 10
8. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2024 йил апрель ойи ҳолатига кўра.
9. Реутская Е.А. Актуальные проблемы конструирования альтернативных санкций Уголовного кодекса Республики Беларусь / Могилевский высший колледж МВД Республики Беларусь. – 2014. – С. 60–61.
10. Рогова У.В., Ишигеев В.С., Парфиненко И.П. Влияние уголовно-правовых санкций на индивидуализацию наказания / Всероссийский криминологический журнал. – 2016. – Т.10., №4. – С. 710-720.
11. Кондра А.Я. К вопросу о проблеме дискреции уголовно-правовых санкций / https://lomonosov-msu.ru/archive/Lomonosov_2008/28_11.pdf
12. Жумаев А.С. Назначение наказания за неоконченное преступление. Актуальные проблемы российского права. № 1. 2009. – С. 325-331; Рагимов Р.А. Проблемы назначения наказания: По материалам Республики Дагестан. Диссертация. 2002. – 194 с. / <https://www.dissercat.com/content/problemy-naznacheniya-nakazaniya-po-materialam-respubliki-dagestan>; Тадевосян Л.З. Проблемы ответственности за неоконченную преступную деятельность по уголовному законодательству Республики Армения. Диссертация. 2009. – 389 с. / <https://www.dissercat.com/content/problemy-otvetstvennosti-za-neokonchennuyu-prestupnuyu-deyatelnost-po-ugolovnomu-zakonodatel>.
13. Хвощевская Е.А. Применение наказания в виде обязательных работ / Е.А.Хвощевская. – Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2013. – № 2 (49). – С. 264-267. – URL: <https://moluch.ru/archive/49/6186/> (дата обращения: 02.06.2020).
14. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-granitsy-obyazatelnyh-i-ispravitelnyh-rabot-v-normah-ugolovno-ispolnitelnogo-zakonodatelstva-rossii>
15. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-granitsy-obyazatelnyh-i-ispravitelnyh-rabot-v-normah-ugolovno-ispolnitelnogo-zakonodatelstva-rossii>
16. <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-pravovogo-regulirovaniya-poryadka-ispolneniya-nakazaniya-v-vide-obyazatelnyh-rabot>

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-СОҢ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-3

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz